# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 24 июнь, № 123 (6306) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Ўтган йили Норин туманида фаолият бошлаган “Norin Bottlers” масъулияти чекланган жамияти Ҳаққулобод шаҳрида яна иккита ишлаб чиқариш тармоғини ташкил этди.*

### Бир йўла икки лойиҳа

Улардан бирида соатига 42 минг донагача идишларга салқин ичимликлар қадоқланмоқда. Шаҳардаги фойдаланилмаётган бино таъмирдан чиқарилиб, бу ерда тикувчилик фабрикаси фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозир ушбу мажмуада маҳаллий хом ашёдан болалар ва катталар учун бежирим кийим-кечаклар тайёрланмоқда.

Ҳар икки лойиҳа ижроси учун 8 миллиард сўмликдан зиёд инвестиция йўналтирилди. Пировардида маҳаллий ёшлардан 115 нафарининг бандлиги таъминланди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Кредит ҳисобига кичик корхона

*Навоий шаҳрида банкнинг 159 миллион сўмлик кредити эвазига ташкил этилган “Mirtex” корхонасида 20 турдаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

— Хориждан келтирилган тикув дастгоҳлари маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини таъминламоқда, — дейди корхона раҳбари Олима Бобоқулова. — Ҳозир мажмуамизда 60 нафардан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилаяпти. Қувватлар тўлиқ ўзлаштирилгач, ишчиларимиз сони 100 нафарга етади.

Корхонада буюртма асосида махсус кийим-бош ҳамда мактаб формалари ҳам тикилаяпти.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тадбиркор ташаббуси

*Ҳуррият Исроилова Боёвут енгил саноат ва агросервис касб-ҳунар коллежини ўтган йили битирган. Ёш мутахассис ташаббускорлиги билан қисқа фурсатда эл орасида танилди.*

Гап шундаки, у тумандаги олис қишлоқ — Бобоюрт маҳалласида “Гўзаллик салони” ташкил этгани туфайли эътиборга тушди. Кўпчиликдан миннатдорлик сўзлари эшитди. Чунки ушбу хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида ҳудудда яшовчи хотин-қизларга катта қулайлик яратилди. Ҳурриятнинг ишни бошлашида эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган коллеж битирувчилари учун ажратилган имтиёзли кредит маблағи қўл келди.

— Тадбиркорлик фаолиятини ана шундай муваффақиятли бошлаган битирувчиларимиз кўп, — дейди Сирдарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Алишер Умаралиев. — Масалан, шу мақсадда биргина 2014 йилда 955 нафар коллеж битирувчисига жами 4 миллиард сўмдан зиёд кредит берилди. Бу орқали ёшларимиз турли йўналишларда ўз бизнесларини йўлга қўйиш имкониятига эга бўлдилар.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАСУР, МАРД ВА САДОҚАТЛИ

Мамлакатимиздаги олий ҳарбий таълим муассасаларининг ана шундай фазилатларга эга битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширилди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

*Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳамда ота-оналар қатнашди.*

*Таъкидланганидек, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик эл-юртимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Қўлга киритилаётган ютуқларда бугунги замон талаблари даражасида шакллантирилган Қуролли Кучларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Чунки миллий армиямиз юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги ҳимоясининг ишончли кафолатидир.*

**ФАХР**

Республикамиз мудофаа салоҳиятини оширишда ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган йиллар давомида қатор олий ҳарбий таълим муассасалари фаолиятининг йўлга қўйилгани офицер кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжни қондириш имконини берди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кенг билим ва тафаккурга, юксак профессионал ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, шиддатли тарзда амалга ошириладиган замонавий жанговар ҳаракатлар шароитида, ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этишга қодир бўлган ҳарбий кадрларни самарали тайёрлаш масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, юртимизда барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлашнинг шундай тизими яратилдики, бу миллий армиямиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни етук мутахассислар билан тўлдириш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

# «Ўзбекистонда муваффақиятли бизнес юритиш учун зарур шароитлар яратилган»

*Мадридда Ўзбекистон Республикасининг сармоявий салоҳиятига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди.*

**ЭЪТИРОФ**

Мамлакатимизнинг Испаниядаги элчихонаси томонидан “Испан брендлари” форуми билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган ушбу маросимда Испания тадбиркорлари ассоциацияси, Саноат асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчилари уюшмаси ҳамда тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, қурилиш ва бошқа соҳаларга ихтисослаштирилган йирик компанияларнинг вакиллари ҳозир бўлдилар. Унда Ўзбекистон томонидан “Ўзмарказимпэкс” ва “Ўзинтеримпэкс” давлат ташқи савдо компаниялари вакиллари қатнашди.

Тадбир чоғида испаниялик тадбиркорлар Ўзбекистоннинг 2014 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тафсилотлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликлари билан яқиндан танишди. Шунингдек, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва ҳукм сураётган қулай сармоявий муҳит ҳақидаги маълумотлар ҳам уларнинг эътиборига ҳавола қилинди. Шу ўринда юртимизда ташкил этилган махсус индустриал ҳудудлар ва уларда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳаларга, хорижлик сармоядорлар учун таклиф қилинаётган кенг қамровли имтиёз ҳамда преференцияларга, шунингдек, чет эллик сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

“Ўзмарказимпэкс” ва “Ўзинтеримпэкс” давлат ташқи савдо компаниялари вакиллари испан ишбилармон доираларини ўз компаниялари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда республикамизнинг тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати соҳаларидаги сармоявий лойиҳалари билан яқиндан таништирдилар.

Тақдимотда асосий маъруза билан иштирок этган **“SERCOBE” компаниясининг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича директори Э. Родригез** ўз чиқишида Ўзбекистоннинг иқтисодиёт соҳасида қўлга киритган муваффақиятларига юқори баҳо берди. У тадбир қатнашчилари эътиборини “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва “Ангрен” махсус индустриал зонасида ҳукумат томонидан хорижлик сармоядорлар учун тақдим этилаётган солиқ имтиёзларига қаратди. Э. Родригез юртимизнинг жуғрофий жиҳатдан қулай жойлашгани ҳамда 280 миллион аҳоли истиқомат қиладиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бозорларига бож тўловларисиз чиқиш имкониятини қайд этди. Унинг фикрича, бундай қулайликлар ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини катта ҳажмларда ва қисқа муддатларда сотиш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

*Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, банк-молия, савдо-саноат, сармоя, божхона, транспорт ва транспорт коммуникациялари, авиаташув, электротехника, машинасозлик, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича вазирлик ва идоралари, фирма ҳамда компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Рустам Азимов мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида эркин савдога оид битим асосида изчил ривожланаётир. МДҲ доирасида имзоланган Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартнома ҳам бу йўналишдаги ҳамкорликни фаоллаштиришга хизмат қилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

**ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ**

Иқтисодиётимизни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

# Янги марралар сари руҳлантирмоқда

Жумладан, хусусий мулк ва инвестициялар дахлсизлигини ҳимоя қилишга қаратилган ишончли меъёрий-ҳуқуқий асослар яратиш, ишбилармонлар учун зарур шароит ва кафолатлар туғдириб бериш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Президентимизнинг шу йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Шу боис ушбу ҳаётий ҳужжатни тадбиркорлар зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Унда белгилаб берилган устувор вазифалар замирида бизнес соҳаси вакилларига янада эркинлик бериш, улар фаолиятига ноқонуний аралашишга чек қўйиш, моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш каби эзгу мақсадлар мужассамдир.

(Давоми 2-бетда).

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида мамлакатимизда

**141**

**мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.**



*Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида тижорат банклари томонидан кичик корхона ва микрофирмаларни кредитлаш ҳажми кўпайтирилгани, якка тартибдаги тадбиркорлик ва касаначилик ҳаракатларининг ривожлантирилгани, фермер ва деҳқон хўжаликларининг истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилгани бу борада муҳим омил бўлди.*

# Жаҳон андозаларига мос фаолият

ўзаро алоқаларнинг кенгайишида муҳим ўрин тутади

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк инфратузилмасини ривожлантиришга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.*

**ТАДБИР**

Таъкидланганидек, мамлакатимизда молия-банк соҳасини ислоҳ қилиш, банкларнинг барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Кейинги йилларда молия муассасаларига инвестициялар жалб этиш кўлами кенгайтирилган ҳолда, улар томонидан ажратилаётган кредитлар салмоғи ортиб бораётгани, аҳолининг банклар хизматидан фойдаланиш имконияти ошиб, ишончи тобора мустаҳкамланаётгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Маълумки, замонавий банк фаолияти зарур инфратузилмани яратиш билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис юртимизда мазкур йўналишдаги ишларга алоҳида эътибор қаратилиб, бунинг учун тегишли ҳуқуқий база мустаҳкамланмоқда. Жумладан, “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги ҳамда “Гаров реестри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ЖАСУР, МАРД ВА САДОҚАТЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, республикамиздаги олий ҳарбий таълим муассасаларининг моддий-техник базаси замонавий технологиялар асосида такомиллаштирилиб, таълимнинг илғор педагогик технологиялари кенг жорий этилаётгани бўлғуси офицерларни Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этаётир.

Жумладан, 1994 йилда асос солинган, Марказий Осиёда ягона бўлган **Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти** Ҳарбий ҳаво кучлари таркибини чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал етук офицерлар билан бойитишга хизмат қилмоқда. Ўтган давр мобайнида таълим муассасасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, энг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва дарсликлар билан таъминланди.

Курсантларга учувчилик сирлари билан бирга, ҳушёрлик ва сезгирлик, қатъият ҳамда масъулият кўникмаларини оширувчи машғулотлар, аждодлар меросидан сўзловчи маънавият ва тарих дарслари, дунёқарашини такомиллаштиришга хизмат қиладиган ижтимоий-сиёсий билимлар чуқур ўргатилмоқда.

Бўлиб ўтган тантанали маросимда олий ҳарбий таълим муассасасининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширилди.

— Ҳарбий соҳага ёшлигимдан қизиқаман, — дейди битирувчи, лейтенант Улуғбек Мелибоев. — Мазкур таълим даргоҳида ҳарб илмига оид билимларимни бойитдим, жисмоний жиҳатдан янада чиниқдим. Келгусида ўрганганларимга қатъий амал қилиб, билдирилган ишончни оқлашга, Ватанимиз ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатишга ваъда бераман.

Таниқли санъаткорлар ҳамда ёш ижрочиларнинг концерт дастури тадбирга янада файз бағишлади.

Қуролли Кучларимиз учун автомобиль бўлинмалари тактик қўмондонлиги, муҳандислик қўшинлари тактик қўмондонлиги, фронторти таъминоти тактик қўмондонлиги каби йўналишлар бўйича офицер кадрлар тайёрловчи **Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти**да ҳам курсантларнинг замон талаблари даражасида билим олиши, касб кўникмасини эгаллаши учун барча шароит ва имконият яратилган. Назарий ҳамда амалий машғулотларни олиб боришга ихтисослаштирилган махсус хоналар ва ахборот технологиялари, замонавий ҳарбий техника ва жиҳозлар, спорт заллари ҳарбийликни танлаган ёшларнинг ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишига хизмат қилаётир.

— Бугун бизнинг оиламиз учун қўшалоқ қувонч, — дейди бу ерда ташкил этилган тантанали тадбир иштирокчиси, Самарқанд шаҳрида яшовчи Гулнора Эшмуродова. — Нега десангиз, ўғлим Феруз ҳамда овсинимнинг фарзанди Шоҳруҳ мазкур олий ҳарбий таълим муассасасини битириб, офицер бўлди. Яна бир дилбандим Фирдавс эса ушбу даргоҳнинг биринчи курсини тамомлади. Эгнига ҳарбий либоси ярашган фарзандларимизни кўриб, шунчалик қувониб ўтирибмизки, ҳаяжонимизни сўз билан таърифлаб бериш қийин. Уларнинг шарафли касбни танлаб, Ватанимиз тинчлиги йўлида хизмат қилишидан чексиз фахрланамиз.



Шерзод НАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Буни қарангки, битта оиладан уч нафар йигит ҳарбий соҳани танлабди. Айни мана шунинг ўзиёқ бугун аҳоли ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилгани, Ватанини, халқини, оиласини ҳимоя қилишдек шарафли ҳамда масъулиятли вазифани зиммасига олишга қодир мард ўғлонлар сафи тобора кенгайиб бораётганига ёрқин бир мисолдир.

Маросим якунида намойиш этилган концерт дастури ҳамда билим юрти курсантларининг кўргазмали чиқиши йиғилганларда алоҳида таассурот қолдирди.

**Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти** ҳам мамлакатимиз мудофаа тизимига юқори малакали мутахассислар етказиб бераётган нуфузли олий ҳарбий таълим муассасаларидан биридир. Бугунги кунда бу ерда кўплаб йўналишларда офицер кадрлар тайёрланмоқда. Таълим масканида таҳсил олган ва юрт осойишталиги йўлида хизмат қилаётганлар сафида маҳорат, матонат ва жасоратда алоҳида намуна кўрсатаётган, Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган офицер ҳамда сержантлар кўпчиликни ташкил этади.

Билим юрти ҳузурида услубий марказ, офицер кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети ҳамда бир қатор тўгараклар фаолият кўрсатаётир. Мавжуд кафедралар, барча шарт-шароитга эга ўқув хоналари, замонавий техник воситалар, компьютерлаштирилган тренажёрлар, спорт зали, кутубхона, энг сўнгги русумдаги технологик жиҳозлар, компьютерлар, мультимедиа воситалари ҳамда жанговар техникалар курсантлар билимини оширишга хизмат қилмоқда.

— Энг катта орзуларимдан бирига етишдим, офицер бўлдим, — дейди битирувчи, лейтенант Сайдулла Қорабоев. — Бу ерда олган билим ва кўникмаларимга таяниб, юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини сақлаш йўлида ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшаман.

Тантанали маросимда билим юрти битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширилди. Тадбир санъаткорлар ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури билан якунланди.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Шунингдек, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети ҳамда Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетида ташкил этилган битирув маросимларида ҳам ана шундай кутаринки кайфият ҳукмрон бўлди.

# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми ўсиб бораётир. 2014 йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 160 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Тадбирда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги марраларга олиб чиқиш учун икки томон ҳам улкан имкониятларга эга экани қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш ва турини кенгайтириш, юкларни ташиш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди. Мамлакатларимизда ўтказиладиган саноат кўргазмаларида Ўзбекистон ва Тожикистон ишбилармонлари иштирокини янада кенгайтириш ва фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

— Ўзбекистон Тожикистоннинг энг муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан, — деди Тожикистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Давлатали Саид. — Ўзбекистон — Тожикистон қўшма комиссияси мажлислари ўзаро савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга, ҳамкорликнинг янги имкониятларини кашф этиш ва бизнес борасида тажриба алмашишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан фан ва техника, таълим, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Музокарада икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари атрофлича таҳлил қилинди. Иқтисодиётнинг турли йўналишлари, жумладан, транспорт ва транспорт коммуникациялари, транзит, авиаташув каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Янги марралар сари руҳлантирмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айниқса, 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилаётгани юксак ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир. Ахир бундай имтиёзлар тадбиркорлар учун қўшимча иш ўринлари яратиш ва иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаб олишда беқиёс рағбатдир. Фармон билан тасдиқланган Чора-тадбирлар дастурида хўжалик юритувчи субъектларга кенг эркинлик берилган. Энди ҳуда-беҳуда аралашишларга чек қўйилади, ноқонуний текшириш натижасида мулкдорлар ҳуқуқларини бузганларга жиноий жавобгарликка тортишгача чора кўрилади.

Биз ҳам бу каби қулай шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, корхонамиз фаолиятини кенгайтиришга муваффақ бўлаяпмиз. Натижада ҳозирги кунда ишчилар сони 50 нафарга етди. Бунда банкнинг молиявий кўмаги билан хориждан 24 та тўқув, 20 та тикув машинаси олиб келганимиз айни муддао бўлди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, ойига 25-30 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланаяпти. Уларнинг сифати юқорилиги боис хорижда ҳам талаб катта. Хусусан, сочиқ ва газламаларнинг асосий қисми экспорт қилинаётир.

Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида яқинда 35 минг АҚШ долларига Хитойдан янги русумдаги дастгоҳлар харид қилдик.

Ўтаётган ҳар кунимиздан рози бўлиб, эртамиздан кўнглимиз тўқлиги бизни ана шундай янги марралар сари руҳлантирмоқда.

**Неъмат АБДУЛЛАЕВ,**
**Бойсун туманидаги «Умид» кичик корхонаси раҳбари.**

# Жаҳон андозаларига мос фаолият

## ўзаро алоқаларнинг кенгайишида муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунки мазкур қонунлар талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси қошида "Кредит-ахборот таҳлилий маркази" кредит бюроси ҳамда Марказий банк ҳузурида "Гаров реестри" давлат унитар корхонаси ташкил этилди.

— Ушбу қонунларда потенциал қарздорларнинг кредитлар ва бошқа қарзлар бўйича ҳолати, мажбуриятларни бажариши, тўловга қобилиятлилиги ва бошқа хусусиятларини тўлиқ қамраб олган маълумотларни тақдим этиш билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий асослаб берилгани айни муддао бўлди, — дейди "Кредит-ахборот таҳлилий маркази" кредит бюроси директори Музаффар Саломов. — Шунингдек, кредит ахбороти ва кредит тарихи таърифларининг аниқ белгилаб қўйилгани бу борадаги маълумотлар базасини кенгайтиришга замин яратди. Натижада ҳозирги кунда кредит ахбороти алмашинуви тизимида нафақат банклар, балки молия-банк тизимининг бошқа субъектлари, шу жумладан, ломбардлар, лизинг, микрокредит ва суғурта ташкилотлари фаол иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, базада маълумотларни янада кенгайтириш имконияти мавжудлиги ҳам эътиборга лойиқ. Шундан келиб чиқиб, айни кунларда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси, давлат нотариал идоралари, "Ўзбекэнерго" ДАК ҳамда "Сувсоз" ДУК билан ҳамкорлик қилиш бўйича музокаралар олиб борилаётир.

Дарҳақиқат, мазкур бюро билан ҳамкорлик қилаётганлар сафи тобора кенгаймоқда. Масалан, 2013 йилда бу ерга мурожаат қилганлар сони бир кунда ўртача 1223 нафарни ташкил этган бўлса, ўтган йили ушбу кўрсаткич қарийб 6 мингтага етди. Бу, албатта, ҳозир бюрода 876 762 та юридик ва 3 млн. нафардан зиёд жисмоний шахслар тўғрисида маълумотлар борлиги натижасидир.

"Гаров реестри" давлат унитар корхонаси директори Шерзод Холиёровнинг айтишича, бугунги кунда 120 дан ошиқ фойдаланувчилар рўйхатдан ўтказилиб, интернетда улар учун шахсий кабинет очилган. Салкам бир йил ичида фойдаланувчилар томонидан гаров реестрига 201 мингта ёзув киритилган бўлса, гаров мажбуриятлари бажарилгандан сўнг эса 9 мингдан зиёд ёзув гаров реестридан чиқарилди.

Айтиш жоизки, гаров реестрининг қўлланилиши молия-банк тизими учун бир қатор афзалликлар берди. Айтайлик, кредитор ундан керакли ахборотни қисқа муддатда олиш имкониятига эга. Бу эса гаров реестри кредиторнинг кредит таваккалчиликларини камайтиришга имкон бериб, кредитлаш амалиётини тезлаштиришга хизмат қилаётир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Ўзбекистонда муваффақиятли бизнес юритиш учун зарур шароитлар яратилган»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**"Испан брендлари" форумининг халқаро лойиҳалар бўйича директори П. Вергаз** "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида Ўзбекистон ва Испаниянинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун катта салоҳиятларга эга эканлигини қайд этди. Унинг айтишича, Ўзбекистонда ҳар томонлама қулай бўлган солиқ имтиёзлари амал қилмоқда, муваффақиятли бизнес юритиш учун зарур шароитлар яратилган. П. Вергаз Ўзбекистон иқтисодиётининг тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ва фармацевтика соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан Испанияда катта қизиқиш мавжуд эканлигини маълум қилар экан, ўз мамлакати компанияларини Ўзбекистондаги бизнес лойиҳаларда янада фаол иштирок этишга чақирди.

— Компаниямиз энергетика соҳасидаги лойиҳаларда қатнашишдан манфаатдордир, — деди **"Inael Electrical System" компанияси президенти Ф. Гароз**. — "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрен" махсус индустриал зонасида яратилган қулайликлар чет эллик инвесторлар иштирокида муваффақиятли бизнес юритишга кўмаклашади. Ҳозирги пайтда биз электр анжомлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона тузиш масаласи юзасидан музокаралар ўтказиш учун Ўзбекистонга боришни режалаштирмоқдамиз.

**"Ingeteam" компаниясининг тижорат бўйича директори А. Торре** Ўзбекистон бугунги кунда иқтисодиётнинг изчил ривожланиб бораётган тармоқларига ҳамда ўсувчан истеъмол бозорига эга эканлигини билдирди.

— Иқтисодий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар сармоя ётқизиш ва муваффақиятли бизнес юритиш учун қулай шароитларни яратади, — деди у. — Бундай шароитларда Испания компаниялари ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдордир.

**«Жаҳон» АА.**
Мадрид

# Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатлар

## соҳа ривожига хизмат қилади

*Пойтахтимизда "Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатларни ривожлантириш ва қабул қилинган мажбуриятлар ижро этилиши учун жавобгарлик" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.*

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан ташкил қилинган тадбирда сенаторлар, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Адлия вазирликлари, Бош прокуратура, Олий хўжалик суди, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, тижорат банклари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Қайд этилганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хусусан, қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантиришнинг мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси доирасида кўрилаётган чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлашга, сақлашга, қайта ишлашга ва сотишга ихтисослаштирилган иқтисодий бақувват корхоналар сони йилдан-йилга ортиб боришини таъминламоқда. Айниқса, фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ўз самарасини бераётир. Ҳозирги вақтда юртимизда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари қишлоқ жойларда турмуш сифати ва даражасини оширишга, ижтимоий инфратузилмани такомиллаштиришга муносиб улуш қўшмоқда, ғалла ва пахта хом ашёсини етиштириш билан кифояланиб қолмай, кўп тармоқли хўжаликларни ташкил этмоқда, олис, чекка ҳудудларда саноатни йўлга қўйиб, иш ўринларини яратмоқда. "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонун, Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ушбу йўналишдаги ишларни тизимли олиб боришда дастуриламал бўлаяпти.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Хўжалик шартномаларини тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Хўжалик-процессуал, Ер кодекслари, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда.

— Фермерликни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида Республика, вилоят ва туман фермерлар кенгашлари фермер хўжаликлари манфаатидан келиб чиқиб давлат божларини тўламай судларга даъво аризасини киритиш ҳуқуқига эга, — деди Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Баҳодир Тажиев. — Шунингдек, ушбу кенгашлар фермер хўжаликларига чигитли пахта, дон, пилла ва давлат эҳтиёжлари учун зарур бўлган бошқа маҳсулотларни етказиб бериш борасида шартномалар тузишда амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Семинар-тренингда сенаторлар қишлоқ хўжалигидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларда ечимини кутаётган долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шу жумладан, фермер хўжаликларига товарлар етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича шартномавий мажбуриятлар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаётганлиги қайд этилди. Баъзан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хўжалик шартномалари шартнома шартларини олдиндан ўрганмай ва таҳлил қилмай туриб тузилмоқда.

Тадбир иштирокчилари ўзаро тажриба алмашдилар, айрим таклиф ҳамда тавсияларни билдирдилар. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий ёрдам ва кўмак бериш ҳамда шартномавий муносабатларни ривожлантириш юзасидан фермерлар вилоят ва туман кенгашлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органлари, адлия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, мамлакатнинг қишлоқ ва сув хўжалиги вилоят бошқармалари ҳамда туман бўлимларининг фаолиятини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиш зарурлиги таъкидланди.

**Фарида МАҲҚАМОВА.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 23 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1985,33 | 1 Исландия кронаси | 19,58 | 1 СДР | 3602,06 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4056,11 | 1 Канада доллари | 2083,69 | 1 Туркия лираси | 947,11 |
| 1 Дания кронаси | 389,50 | 1 Хитой юани | 410,86 | 1 Швейцария франки | 2782,95 |
| 1 БАА дирҳами | 694,58 | 1 Россия рубли | 47,41 | 1 евро | 2883,89 |
| 1 АҚШ доллари | 2550,85 | 1 Украина гривнаси | 117,90 | 10 Жанубий Корея вони | 23,21 |
| 1 Миср фунти | 334,32 | 1 Малайзия ринггити | 685,16 | 10 Япония иенаси | 207,94 |
| | | 1 Польша злотийси | 695,64 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*



Наманган шаҳридаги "Алп замин текстиль" масъулияти чекланган жамиятида саккиз турдаги кийим-кечак маҳсулотлари тайёрланмоқда.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ

*Бугунги кунда наркотикларга қарши кураш дунёдаги энг муҳим вазифалардан бирига айланган. Сайёрамизда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида гиёҳвандлик балосига йўлиққанлар сони муттасил ортиб бораяпти, тақиқланган моддалар контрабандаси ўсиб, уларнинг тарқалиши тобора кенгаймоқда. Оғу савдоси билан шуғулланаётган картелларнинг жиноий фаолияти даромадли бизнесга айланиб улгурган. Қатор манбаларга қараганда, уларнинг йиллик фойдаси юз миллиардлаб доллардан ошиб кетади.*

# ЁВУЗЛИК УСТИДАН ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҒАЛАБА ҚОЗОНИЛАДИ

*Мазкур глобал бало нафақат муайян бир давлат, балки бутун инсоният тараққиётига таҳдид солаётир. Бугун айрим мамлакатлар унинг ҳужумига дош бера олмай, ушбу офат қаршисида бўйин эгди. Уларда наркомафия ўзини эмин-эркин ҳис қилиб, ҳаттоки мазкур ҳудуддаги сиёсий ва иқтисодий ҳаётга таъсир этиш қудратига эга бўлди.*

*Муаммонинг долзарблиги инобатга олиниб, Ўзбекистонда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашга миллат тақдирига дахлдор масала сифатида қаралмоқда. Бинобарин, истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб республикамизда ҳуқуқий, ҳуқуқ-тартибот, маъмурий, иқтисодий, маданий, таълим ва тиббиётни ўз ичига олган комплекс чоралар стратегияси ҳаётга татбиқ этилаётир. Жамиятнинг барча саъй-ҳаракатлари шу йўлда сафарбар қилинмоқда. Тегишли қонунларнинг қатъий устуворлиги таъминланаяпти. Зеро, адолат ва жиноятга жазо муқаррарлиги юртимизнинг наркотикларга қарши курашдаги муросасиз позициясидир.*

## Ажал карвонлари қай томонга йўл олмоқда?

Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органларининг энг катта "бош оғриғи" — республикамизнинг Афғонистон билан географик жиҳатдан яқинлигидир. Зотан, ушбу мамлакатда заҳри қотилни етиштириш бир дақиқага ҳам тўхтамаяпти.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, қўшни давлатдаги кўкнори майдонлари жадал суръатлар билан кенгаймоқда. Бундай ҳолат бир неча йилдан бери сурункасига кузатилаётир. Биргина 2014 йилда ўсиш даражаси қарийб етти фоизга етди. Умуман, БМТ 224 минг гектар афюн пайкаллари мавжудлиги ҳақида хабар бермоқда. Афғон ҳуқуқ-тартибот идоралари шундай экинзорларнинг, бор-йўғи, юздан бир қисмини йўқ қилган, холос. Таассуфлиси, ушбу балога қарши курашиш самарадорлиги пасайиб бораётир. Бу борадаги кўрсаткичлар ўтган йилда 2013 йилдагига нисбатан 63 фоиз ёмонлашгани ана шундан далолат беради.

Бунга ушбу долзарб масалага панжа ортидан қаралаётгани сабабдир. Оқибатда Афғонистоннинг 19 та музофотида ўтган йилда жами 6400 тонна кўкнори ҳосили етиштирилиб, ўзига хос "рекорд" ўрнатилди. Рақамлар қай даражада катта дейсизми? 100 та вагони шифтигача героин тайёрлашда ишлатиладиган асосий хом ашё билан тўлдирилган темир йўли таркибини тасаввур қилинг. Бу миқдорни сайёрамиз аҳолисига бўлиб чиқсак, одам бошига қарийб бир граммдан ажал келтирувчи ана шундай "масаллиқ" тўғри келиши аён бўлади! Ваҳолонки, афғон диёрида 2013 йилда 17 "вагон" камроқ кўкнори опийси етиштирилганди.

Мазкур ажал карвонларининг катта қисми шимолга қараб йўл олаяпти. Самолёт бортидаги яширин нуқталарда, поезд юкхонасида, автомобилдаги асбоб-ускуна панелидаги хуфия жойларда, отларга юкланган хуржунларда олиб чиқилган гиёҳвандлик моддалари ҳар қадамда, ҳар километрда геометрик прогрессия тарзида қимматлашиб бораверади. БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси маълумотларига қараганда, агар афғон деҳқонлари экин майдонидан янги йиғиб олган кўкнори опийсининг бир килограммини 110-135 доллардан пулласа, охирги харидор (айтайлик, Европада) бу нархга фақатгина бир граммдан камроқ бўлган героин дозасини сотиб олади. Боз устига, синдикатлар, халқаро уюшган жиноятчилик гуруҳлари қўшимча фойда олиш учун оғуни турли мамлакатлар аҳолисига етказиб беришнинг янги йўлларини изламоқда ва ишлаб чиқмоқда.

Масалан, хориж ОАВнинг хабар беришича, охирги пайтларда Кавказ минтақаси давлатлари ва Украина тарафларга наркотрафик "шимолий — Қора денгиз йўналиши"да анча кучайган. Фақатгина ўтган йил январь ойида Арманистонда 900 килограммдан зиёд афғон героини ушланган. Орадан ярим йил ўтиб икки тонналик гиёҳвандлик воситасини тўхтатиб қолган Грузия ҳуқуқ-тартибот органлари бу борада "энг юқори натижа"ни кўрсатди. Заҳри қотилнинг катта оқими Украина чегараларига ҳам жадаллик билан интилаяпти. Ҳозирги кунда мавжуд "Болқон мамлакатлари — Шарқий ва Марказий Европа" йўналишидан ташқари наркокартеллар қўшимча янги "сўқмоқлар"дан фойдаланмоқда. Шунга кўра, героин Афғонистондан Покистонга, сўнгра Яқин Шарқ ва Африка орқали Европага етказилаяпти.

## Пасайиш фақат "шимолий йўналиш"да кузатилаяпти

Наркомафия Марказий Осиё минтақаси бўйлаб ўтган "шимолий йўналиш"ни ҳам унутгани йўқ, албатта. Транспорт инфратузилмасининг ривожи, юк ташишнинг етарли даражада жадаллиги, шу билан бир қаторда, айрим республикалар чегараларидаги нозик нуқталар, қўриқланмайдиган, аросатдаги ҳудудлар мавжудлиги — минтақамизни, бизнинг мамлакатни наркотиклар хавф-хатаридан холи бўлмаган ҳудудга айлантираяпти.

Ўзбекистон учун наркотрафикнинг хуфиёна каналлари Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистон ҳисобланади. Юртимизда ўзларига нисбатан қатъий тўсқинлик кутаётганини билган жиноятчилар сарҳадларимизга тобора камроқ бурун суқмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотларига қараганда, ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳамжиҳатликдаги амалиётлари ва профилактик ишлари шарофати билан мамлакатимизда наркожиноятлар сони 2013 йилдаги 7680 тадан 2014 йилда 6698 тага камайган. Бу пасайиш 13 фоизни ташкил этди.

Юқоридаги рақамларда акс этган жиноятларнинг ҳар иккинчиси гиёҳвандлик моддаси сотиш билан, ҳар ўн биринчиси унинг контрабандаси билан боғлиқдир. Қидирув-тергов ишлари натижасида 2 тонна 298 килограмм оғу воситалари мусодара қилинди. Таққослаш учун келтириб ўтамиз: бундан қирқ йил олдин бутун дунёдаги божхона ва полиция ходимлари томонидан тўсиб қолинган наркотиклар ҳажми ушбу миқдордан кам эди. Кўриниб турибдики, бундан наркосавдогарларнинг нафси янада ҳакалак отмоқда.

Экспертларнинг қайд этишича, охирги йилларда "шимолий йўналиш"-да героин етказиб бериш сезиларли даражада сусайган. Афғонистонда опиум ишлаб чиқариш анча ўсганини ҳисобга олсак, бундай кўрсаткич эътиборга лойиқдир. Мазкур муваффақиятлар, албатта, Ўзбекистон Давлат чегараларини қўриқлаш кучайтирилгани, назорат-ўтиш постларига энг замонавий сканерлар ва бошқа қурилмалар ўрнатилгани, ҳуқуқ-тартибот органларининг уюшган жиноятчиликка қарши мувофиқлаштирилган кураши, юк ва йўловчи ташиш тизимининг тартибга солингани ва ушбу офатни таг-томири билан қўпориб ташлаш йўлидаги кўплаб бошқа чора-тадбирлар самарасидир.

## Жиноятга жазо муқаррар

Маълумки, ушбу офатга қарши курашда кунни-кун демай, тунни-тун демай ҳамюртларимизни фалокатли хатардан асраб келаётган ҳуқуқ-тартибот органларининг минглаб ходимлари меҳнати таҳсинга лойиқ. Уларнинг иши хавфли ва машаққатли, десак, муболаға эмас. Зотан, улар нарковоситачилар — қўлга тушганда оғир жазо кутаётганини билиб, умидсизликка тушадиган жиноятчиларга қарши курашадилар. Бундай тўқнашувларда қинғир йўлни танлаганлар ҳеч нарсани ўйламасдан қурол ишлатишгача бориши ҳам бор гап.

... Ўтган йили 18 февралда Афғонистон фуқароси Ш.З. бир йўла катта ҳажмдаги контрабанда товарини чегарамиздан олиб ўтишга уринди. У бунинг учун қаҳратон қиш тунида резина қайиқда Амударёни ҳеч кимга билдирмай сузиб ўтмоқчи бўлди. Бироқ ҳамиша сергак ўзбек чегарачилари наркокурьерни 64,635 килограмм героин билан ушлашди. Яна бир "меҳмон" қирғизистонлик 37 ёшли М.А. эса 2014 йил 8 сентябрда Наманган вилоятига қарийб 3,4 килограмм наша олиб ўтаётганида, тумшуғидан илинди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар маълумотларига кўра, ўтган йилда наркожиноят қилгани учун 100 нафар хорижлик қўлга олинган. Бу рўйхатда 17 та давлат — нафақат Тожикистон, Қозоғистон каби чегарачиларимиз учун одатий бўлиб қолган мамлакатлар, балки шу жиҳатдан "ноёб" бўлган Италия, Франция, Германия фуқаролари ҳам бор. Улардан 133 килограммдан ортиқ наркотик моддалар, бир ярим мингдан зиёд психотроп таблеткалар, 1600 литрдан кўпроқ прекурсорлар олиб қўйилган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон чегара хизмати бошқа давлатлар учун ҳам бу борада қалқон бўлаяпти. Текширувлар натижасида юртимиз орқали транзит кўмагида ажал моддаларини ташиб кетишга уриниш ҳолатлари аниқланаётгани бунга мисолдир. Хусусан, ўтган йилнинг 19 декабрида Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан Тожикистондан Литвага қараб йўлга чиққан ва республикамиз ҳудудидан ўтадиган поезд вагонларидан биридан 6,8 килограмм героин топилди.

Ўзгалар бахтсизлиги эвазига нафсини қондиришни истовчилар ҳамюртларимиз орасида ҳам учраб турибди. Бир йил олдин тезкор-қидирув фаолияти ходимлари томонидан Самарқанд вилоятида яшовчи 7 нафар шахсдан ташкил топган жиноий тўда Тожикистондан ўз ҳудудига 32,5 килограмм опий хом ашёсини олиб ўтишга уринаётгани аниқланиб, қўлга туширилди. Бир неча ой кейин Сурхондарё вилоятида шу ерлик бўлган Ш.Ж. машинасидаги катта миқдордаги оғу — 12 килограмм героин ва 10,2 килограмм тарёк билан ушланди. Олиб қўйилган наркотиклар йўқ қилинди. Жиноятчилар эса қонуннинг қатъий талаблари асосида ўз қилмишларига яраша жавоб берадилар.

## Интернет — кураш майдони

Илмий-техник тараққиёт, афсуски, жиноятчилик оламига ҳам ёрдам бераётир. АКТнинг кенг тарқалиши туфайли наркосотувчилар фаолияти глобал тармоққа кириб бормоқда. Бу эса уларнинг фаолиятини сезиларли енгиллаштириб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ишини мураккаблаштирмоқда. Чунки тақиқланган моддалар савдогарлари катта устунлик — халқаро миқёсда қулоч ёзиш ва анонимлик имкониятига эга бўлаяпти.

БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг 2014 йилги маърузасида бу ҳақда сўз юритилиб, интернет орқали наркотиклар ва прекурсорларни тарқатиш миқёси янада катта қамров касб этаётгани ўта ташвиш билан тилга олинган. Ҳозирнинг ўзидаёқ синтетик чекиладиган аралашмаларнинг мутлақ катта қисми саналаётган "спайслар" веб-сайтлар орқали сотилаётир. Ахир бугун дунёнинг исталган жойидан туриб буюртмалар қабул қилиш, электрон тўловни амалга ошириш, ўрамларни жўнатиш мумкин. Наркотиклар олди-сотдисини "касб" қилганлар учун жуда қулай, оппа-осон шароит, шундай эмасми?

Кўпчилик "Silk Road" интернет-портали эгаси Р. Улбрихт устидан бўлиб ўтган шов-шувли тергов ва суд жараёнларини яхши эслайди. "Рейтер" ахборот агентлигининг ёзишича, сайт узоқ йиллар давомида ҳеч қандай тўсиқларсиз синтетик наркотик моддалар савдоси билан шуғулланиб, 1,2 миллиард доллар даромад кўрган. Улбрихт умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Бироқ, оммавий ахборот воситаларида ёзилишича, бу шу каби минглаб сайтларнинг биттаси, холос.

Янги таҳдидлар ва хавф-хатарлар, жумладан, интернет воситасида наркожиноятчилик Ўзбекистоннинг ваколатли органлари диққат-эътиборида, кўз ўнгидадир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотларига кўра, бу борада аниқ мақсадли ишлар олиб борилаяпти. Наркотикларга қарши кураш бўйича ҳамкорлик дадил илгари сурилаяпти, қонунчилик тизими такомиллаштирилмоқда, кенг кўламли профилактика ва тарбия тадбирлари амалга оширилаётир. Бундай мутаносиб ёндашув бизга ўзбекистонликлар наркотикларнинг зарарли таъсиридан пухта ҳимояланган, деб ишонч ҳосил қилиш имконини беради.

**С. МАХСУМОВ тайёрлади.**

ИНТИЛИШ

*Гулистон шаҳридаги "Бек" бирлашмасига қарашли "Гул Рен Текс" тўқимачилик корхонаси жамоаси ўз фаолиятини юқори натижалар билан бошлади. Жумладан, қисқа вақт мобайнида экспорт буюртмалари ҳажми 400 минг АҚШ долларига етди.*

# Юқори натижага эришилди

Жорий йилнинг май ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган "Мода ва дизайн" халқаро фестивалида эса маҳсулотлари хорижий ва маҳаллий мутахассислар томонидан муносиб баҳоланиб, корхона дизайнери Манзура Қувондиқова сертификат билан тақдирланди.

— Ишлаб чиқаришни энг илғор технологиялар асосида ташкил этдик, — дейди жамият бош директорининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари Олимжон Маматқулов. — Шунингдек, деярли барча жараён корхонанинг ўзида бажарилаётир. Масалан, матога гул босиш ҳам шу ерда амалга оширилмоқда. Айни чоғда кийим-кечак учун газламани бирлашмамизнинг Жиззах шаҳридаги яна бир корхонаси — "Орзу текстиль"дан олаяпмиз. Буларнинг барчаси маҳсулот тайёрлаш суръатини ошириши баробарида, унинг сифати юқори, таннархи эса арзон бўлишини таъминламоқда.

Эътироф этиш лозимки, вилоят марказидаги фаолияти тўхтаб қолган "Нафис либос" корхонаси негизида ташкил қилинган мазкур ишлаб чиқариш субъектининг фаолият бошлаши натижасида мингга яқин иш ўринлари яратилди.

**Ш. АҲМАДАЛИЕВ.**


**М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали**

**2015/2016 ўқув йили учун қуйидаги таълим йўналишларига қабул эълон қилади:**

- **амалий математика ва информатика;**
- **психология.**

**Ҳужжатлар 2015 йил 20 июндан 10 июлгача қабул қилинади.**

Қабул комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати:
— паспорт нусхаси нотариус тасдиғидан ўтган ва рус тилига таржима қилинган ҳолда;
— диплом нусхаси;
— 3x4 см. ҳажмдаги 8 дона фотосурат (бош кийимсиз, оқ-қора ёки рангли тасвирда, 2015 йилда туширилган бўлиши шарт).

Абитуриентлар университетга ҳужжат топшириш вақтида паспорт ва дипломнинг асл нусхасини тақдим этишлари лозим.

**Университетга кириш имтиҳонлари 2015 йилнинг 11 июлидан 20 июлига қадар қуйидаги тартиб-қоидалар асосида бўлиб ўтади:**
— Амалий математика ва информатика факультетига — математика фанидан (ёзма), информатика фанидан (ёзма), рус тили фанидан (баён).
— Психология факультетига — математика фанидан (ёзма), биология фанидан (ёзма), рус тили фанидан (баён).

**Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 22-уй, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали. Тел.: (0-371) 232-28-11, 232-28-22.**

Қабул комиссияси дам олиш кунларисиз **соат 9.00 дан 18.00 гача** абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилади.
Қўшимча маълумот **www.msu.uz** интернет сайтида.

921R/459



XALQ BANKI

**Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки**

**банкнинг расмий xb.uz веб-сайтини ишлаб чиқиш юзасидан танлов эълон қилади.**

**Танлов шартларини 2015 йил 8 июль санасигача қуйида кўрсатилган манзил бўйича расмий сўров жўнатган ҳолда олиш мумкин.**
**Манзил: Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй.**
**Телефонлар: (0-371) 120-17-48, 120-17-49, 120-17-81. E-mail: marketing@xb.uz, it@xb.uz**

**Танлов савдолари юзасидан барча таклифлар юқоридаги манзилга муҳрланган конвертда ёпиқ ҳолатда 2015 йил 8 июль куни соат 18.00 га қадар тақдим этилиши лозим.**

***Кўрсатилган муддат тугаганидан сўнг танлов юзасидан таклиф ва қўшимчалар қабул қилинмайди.***

926A/120



**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ**

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олиш учун**

**ТЕНДЕР (ТАНЛОВ) САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Тендер (танлов)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

**Танлов комиссияси ишчи органи номи ва манзили:**
Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси,
220100, Урганч шаҳри,
Ғафур Ғулом кўчаси, 16-«А» уй.
Телефонлар: (0-362) 223-06-33, 223-06-11,
223-06-26. Факс: (0-362) 223-06-33.
E-mail: horezm.vssb.shtab@minzdrav.uz

**Банк реквизитлари.**
Молия вазирлиги ғазначилиги.
Ғазна ҳисоб варағи: 23402000300100001010,
СТИР: 201122919, ОКОНХ: 97400, МФО: 00014,
Марказий банк Тошкент шаҳар ББ ҲККМ,
Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси,
ш/ҳ/р: 100021860334017072130054001,
махсус ҳ/р: 400121860334017950100054002,
СТИР: 201989194.

**Тендер (танлов) предмети.**

**Қуйидагилар бўйича товарларни етказиб бериш:**
— шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари (рўйхат бўйича);
— реактивлар;
— тиббий ашёлар ва сарфлаш материаллари.

Харид қилинаётган товарларнинг максимал нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

**Етказиб бериш шартлари.**

Барча етказиб берувчилар учун: соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан белгиланган жойлардаги омборларга тайёр маҳсулотларни етказиб бериш шарт.

Етказиб бериш муддатлари тендер савдолари ва тендер ҳужжатлари бўйича маълумотларда акс эттирилади.

Тендер (танлов) бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорларнинг малакавий танлови ўтказилади.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси 100 000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) миқдори шартнома миқдорига қараб 500 000 сўмдан 10 000 000 сўмгачани ташкил этади.

Тендер (танлов) ҳужжатлари учун тўлов ва закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг юқорида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Тендер (танлов) таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 24 июль куни соат 12.00 (маҳаллий вақт билан)гача.

Тендер (танлов) савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган манзил бўйича Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

920R/453


ЭЪЛОНЛАР


**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** 2014 йил 29 декабрдаги 11-1435/12601-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Қизғалдоқ» ҚФЙда жойлашган, фойдаланиш майдони 137,25 кв.м. бўлган дўкон биноси.

***Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.***

**2.** 2014 йил 3 июлдаги 11-1436/51851-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, Келес кўчасида жойлашган, фойдаланиш майдони 68,50 кв.м. бўлган дўкон биноси.

***Бошланғич баҳоси — 37 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 15 июль куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2014 йил 25 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 2-«Б» уйда жойлашган, 240,40 кв.м. бўлган бино ва иншоот қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 424 007 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 27 июль куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Талабгорлар аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Торобий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

918R/24



**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 15 июль куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

**1.** Бешариқ тумани СИБ томонидан ФИБ Ўзбекистон туманлараро судининг 2013 йил 6 сентябрдаги 1886/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бешариқ тумани, «Рапқон» ҚФЙ, «Янги Рапқон» МФЙ, Рапқон қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 216 кв.м., фойдаланиш майдони 175,5 кв.м. бўлган, 0001-литердаги умумий овқатланиш шохобчаси.

***Бошланғич баҳоси — 53 287 444 сўм.***

**2.** Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 6 апрелдаги 15-15-08/3848-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «12-Маърифат» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 50-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 7671,10 кв.м., фойдаланиш майдони 9542,21 кв.м. бўлган, 0001-0006, 0009, 0011-0019-литерлардаги уч қаватли марказий универмаг.

***Бошланғич баҳоси — 3 750 000 000 сўм.***

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2015 йил 13 июль куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 20-хона. Тел.: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

916R/34




Қарши шаҳрида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда ўттиз нафардан ортиқ истеъдод соҳиблари иштирок этди.

# «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа анжумани ҳинд матбуоти саҳифаларида

ДУНЁ НИГОҲИ

*Ҳиндистонда нашр этиладиган “NRI Achievers” журнали веб-саҳифасида Самарқандда бўлиб ўтадиган “Шарқ тароналари” X халқаро мусиқа фестивалига бағишланган мақола эълон қилинди.*

Унда мазкур кенг қамровли халқаро маданий анжуманнинг ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад миллий мусиқа санъатида эришилган муваффақиятларни кенг миқёсда оммалаштириш, халқнинг улуғ анъаналарини авайлаб асраш ва ривожлантириш, мусиқа ҳамда вокал йўналишида ижод қиладиган истеъдод эгаларини рағбатлантириш, шунингдек, халқаро ижодий алоқаларни янада кенгайтириш, маданий-маънавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва дўстлик ғояларини мадҳ қилиш билан изоҳланиши қайд этилади.

Ҳинд нашрининг ёзишича, ушбу халқаро анжуман жаҳон мусиқа форумлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаган. Ушбу тадбирнинг ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётгани ҳамда хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва машҳур санъат арбоблари томонидан мазкур маданий анжуманга нисбатан қизиқишнинг тобора ортиб бораётгани юқорида билдирилган фикрни яққол тасдиқлайди.

Мақолада Самарқанд мусиқа фестивали иштирокчиларининг сони ва жуғрофияси ҳам тобора кенгайиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, ҳозирги пайтда меҳмонларни кутиб олиш ва концерт дастурларини юқори даражада ташкиллаштиришга қизғин ҳозирлик кўрилаётгани ҳақида атрофлича фикр юритилган. “Форумнинг мазмунли ўтказилишини таъминлаш мақсадида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари бўйлаб диққатга сазовор масканлар, таълим муассасалари, миллий ҳунармандчилик, тасвирий ва халқ амалий санъати кўргазмалари билан танишиш, ижодий учрашувлар ҳамда маҳорат дарсларини ўтказиш ҳам режалаштирилган”, деб ёзади “NRI Achievers” журнали.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

## Маданият хабарлари

# «Фахрийлар куйлаганда»

*Наманган вилоятининг Чуст туманидаги маданият ва истироҳат боғида “Фахрийлар куйлаганда” деб номланган бадиий кеча бўлиб ўтди.*

**ЭЪЗОЗ**

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирда вилоятда маданият соҳасида узоқ йиллар фаолият олиб борган фахрийлар мумтоз қўшиқ ижрочилиги бўйича ўз истеъдодларини намоён қилдилар. Шунингдек, унинг доирасида ёшлар ҳам устоз санъаткорлар қўшиқларидан намуналар ижро этишди. Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад, эртамиз эгаларининг мумтоз санъатга бўлган қизиқишини ошириш ва уларни қўллаб-қувватлашдир.

**Аброр МЕЛИБОЕВ.**



# Рақс сеҳри

**ТАҚДИМОТ**

*Ўзбекистон давлат консерваториясида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган “Рақс сеҳри” республика фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

Рақс санъатини ривожлантириш, янги истеъдодларни кашф қилиш, хорижий мамлакатлар билан маданий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадига қаратилган ушбу фестивалда ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган 70 нафар иштирокчи ўз иқтидорини намойиш этди.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, бир қанча йўналиш бўйича ғолиблар номи эълон қилинди ҳамда уларга ташкилотчиларнинг диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

# Она юрт тараннуми

*Пойтахтимизда “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловининг Халқ таълими вазирлиги тизимидаги мусиқа мактаблари ўртасида республика босқичи бўлиб ўтди.*

**ТАНЛОВ**

Маълумки, ушбу танлов йигит-қизлар маънавиятини юксалтириш, уларни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жонажон Ўзбекистонимизни тараннум этувчи мусиқий асарлар яратишга хизмат қилмоқда.

Тадбир иштирокчиларини баҳолашда ижрочилик маҳорати, қўшиқлар матни ва мусиқаси ҳамда саҳна маданияти каби жиҳатларга эътибор қаратилди. Ғолиб ўқувчи ва ўқитувчилар жамоалари ҳамда яккахон ижрочилар Мустақиллик байрами арафасида бўлиб ўтадиган танловнинг якуний босқичида қатнашади.

**Абдували ҚУРБОНОВ.**

ЭЪЛОНЛАР


*Ҳурматли юртдошлар!*

ASAKA BANK

## «Асака» банки жамоаси

**мамлакатимизнинг барча журналистлари, матбаачилари ва нашриёт ходимларини касб байрами билан чин дилдан табриклайди!**

**Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз ҳамда қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этамиз:**

**Миллий валютада:**

**«ҚАДРИЯТ»**
Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

**«БАҲОР»**
**Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой.**
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

**«ФАРОВОН ТУРМУШ»**
**Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой.**
Ҳисобланган фоизлар омонат очилганида ёки омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади.

**«ТЕЖАМКОР»**
**Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой.**
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади.

**Хорижий валютада:**

**«ШОДИЁНА» (АҚШ долларида)**
**Омонатнинг сақланиш муддати — 24 ой.**
Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтганидан сўнг ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

**«МАДАД» (АҚШ долларида)**
**Омонатнинг сақланиш муддати — 3 ой.**
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

**«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (еврода)**
**Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой.**
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

***Шу билан бирга, «Асака» банки миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда 40 дан зиёд омонат турларини таклиф этади.***

*Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.*

**Мурожаат учун телефонлар:**
**(0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 0-371 | 120-83-13 |
| «Автотранспорт» филиали | 0-371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 0-371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 0-371 | 221-80-67 |
| Сергели филиали | 0-371 | 257-44-10 |
| Тошкент вилояти филиали | 0-371 | 120-84-13 |
| Андижон вилояти филиали | 0-374 | 223-60-74 |
| Асака филиали | 0-374 | 233-21-99 |
| «Фарҳод» филиали | 0-374 | 226-96-63 |
| Фарғона вилояти филиали | 0-373 | 244-39-14 |
| Марғилон филиали | 0-373 | 237-62-23 |
| Олтиариқ филиали | 0-373 | 432-19-80 |
| Қўқон филиали | 0-373 | 542-61-01 |
| Наманган вилояти филиали | 0-369 | 225-44-03 |
| Навоий вилояти филиали | 0-436 | 770-21-29 |
| Зарафшон филиали | 0-436 | 572-40-14 |
| Бухоро вилояти филиали | 0-365 | 770-05-19 |
| Бухоро шаҳар филиали | 0-365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилояти филиали | 0-366 | 233-65-47 |
| «Афросиёб» филиали | 0-366 | 221-75-40 |
| Қашқадарё вилояти филиали | 0-375 | 221-07-41 |
| Сурхондарё вилояти филиали | 0-376 | 224-00-16 |
| Қорақалпоғистон филиали | 0-361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилояти филиали | 0-362 | 228-14-81 |
| Сирдарё вилояти филиали | 0-367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилояти филиали | 0-372 | 226-43-11 |

«АСАКА» БАНКИ САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

www.asakabank.com

**БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

**Сизнинг омонатларингиз:**
- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

Хизматлар лицензияланган.

915R/32



## Qishloq Qurilish Bank



*27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан юртимизнинг мазкур касб эгаларини самимий муборакбод этади!*

**Сизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга файзу барака, тинчлик-хотиржамлик, ишларингизга омад тилаган ҳолда, қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:**

**Миллий валютада:**

**«Кексаларга таъзим»**
Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

**«Кексаларни қадрлаш»**
Омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади.

**«Жасорат»**
Омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади.

**«Матонат»**
Омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади.

**«Самарали»**
Омонатга маблағлар 2 ойдан 6 ойгача қабул қилинади.

**Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.**

**«Имконият»**
Омонатга маблағлар 1 йилдан 3 йилгача қабул қилинади.

**Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади ҳамда ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.**

**Хорижий валютада:**

**«Percent»**
Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.

**«Profit»**
Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

**Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.**

**Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:**

**«Мадад»**
Маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.

**«Хонадон»**
Маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.

**«Қурилишга бошланғич бадал»**
Муддати — 1 йил.

**Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатингиз:**
- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

**Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-72-58, 150-39-93.**
**www.qqb.uz**

**«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

**Хизматлар лицензияланган.**

922A/110



**Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни тайёрлаш ва сотиб олиш бўйича танлов савдолари эълон қилади:**
- зарбага қарши қалқонлар тўплами (противоударные щитки);
- 6-класс зирҳли ҳимоя нимчаси (бронежилет) учун махсус енгиллаштириш тизим (қора ва «қум» рангли);
- пўлат каскалар учун шлем тагидан кийиладиган тўқима бош кийимлар (подшлемники);
- резина пичоқлари.

**Тижорат таклифларини қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 календарь куни.**

**Танлов савдолари қуйидаги манзилда ўтказилади: 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқоридаги манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (0-371) 255-75-12 (навбатчи), 255-83-28, 281-43-69.**

923A/409


WWW.XS.UZ “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди томонидан бемор болаларни чет элнинг нуфузли клиникаларида даволаниши ташкил этилаяпти.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 118 971 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5